

**Латвия Республикаси Ҳукумати билан
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида
илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида**

БИТИМ

Бундан кейин Томонлар деб аталувчи Латвия Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати,

Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги тарихан шаклланган илмий-техникавий алоқаларни назарда тутиб,

икки мамлакат ўртасида фан ва техника соҳаси бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни хоҳлаб, шу билан иккала мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига хисса қўшиб, қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар зарур бўлган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратиб, тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосидаги илмий-техникавий ҳамкорликка кўмаклашадилар.

2-модда

Ҳамкорлик, ушбу Битим доирасида, икки томонлама ва кўп томонлама келишувларга мувофиқ иккала мамлакатнинг қонунларига амал қилади ва асосланади.

3-модда

Икки томонлама илмий-техникавий ҳамкорликнинг йўналишлари, иккала мамлакатда фан ва технологияларни ривожлантириш манфаатларидан келиб чиқиб, белгиланади.

4-модда

Иккала мамлакатнинг вазирлик ва идоралари, илмий ташкилот ва жамиятлари, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар, олий ўқув юртлари ва айрим олимлари қўшма илмий-техникавий ишларнинг ташаббускорлари бўлишлари мумкин.

Ҳамкорликнинг мазмуни, унинг иқтисодий ва ташкилий шартлари,

- ҳамкорликни маблағ билан таъминлаш;
- қўшма илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланиш;
- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш;
- ҳамкорлик жараёнида бир-бирига бериладиган маълумотларнинг аниқлиги ва материал ҳамда ускуналарнинг сифати учун жавобгарлик;

- биргаликда фойдаланадиган илмий-техникавий объектларни ва илмий ускуналарни ишлатиш тартиби;

- биргаликдаги ишларни бажариш вақтида олим ва бошқа илмий-техник ходимларни касал бўлиб қолиш ҳолларидан ва кўнгилсиз воқеалардан суғурта қилиш;

- биргаликдаги ишларни бажариш вақтида Томонларнинг хар қайсиси етказган зарар учун жавобгарлик;

- олим ва мутахассисларни хизмат сафарига юбориш шартларини қўшиб ҳисоблаганда,

Латвия Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлик субъектлари томонидан алоҳида битим, шартнома ва контрактлар асосида келишилади.

5-модда

Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорлик қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- иккала мамлакатда илмий-техникавий сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш масалалари юзасидан маслаҳатлашувлар;

- қўшма илмий-тадқиқот программалари ва лойиҳаларини бажариш;

- қўшма илмий-тадқиқот ташкилотлари тузиш, қўшма муваққат илмий жамоалар ва, шунингдек, янги техника ва технологияларни ўзлаштиришни таъминловчи инновацион корхоналар ташкил қилиш;

- биргаликда ўтказиладиган дала тадқиқотлари ва экспедицияларни қўшиб ҳисоблаганда, иккала Томоннинг илмий-тадқиқот муассасалари, саноат корхоналари, олий ўқув юртлари ва технопаркларида илмий иш қилиш;

- мамлакатларнинг биридаги айрим олим ва мутахассисларни бошқа мамлакатда бажариладиган ишларга жалб қилиш;

- қўшма семинар, илмий конференция, кўмакчи учрашув ва кўргазмалар ўтказиб туриш.

Ҳамкорлик ўзаро келишилган, ушбу Битимнинг бажарилишини таъминлайдиган, бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Биргаликда ўтказиладиган муайян тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш шакллари танлаш ва белгилашда Томонлар фақат фанни ривожлантириш манфаати ва иккала мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун мавзунинг муҳимлигидан келиб чиқадилар.

6-модда

Жаҳон талаблари даражасидаги илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик тадқиқотларини ҳисобга олиб, Томонлар иккала мамлакат олимларига ноёб ва энг янги экспериментал ускуналарда ишлаш учун рухсат олиб беришга ва, шунингдек, хусусан, 5 моддада кўрсатилган ташкилий шаклларда ҳамкорлик қилиш, ишлаб чиқариш ва сотиб олиш учун биргаликда иш ташкил этишда кўмаклашадилар.

7-модда

Томонлар биргаликдаги тадқиқот ва изланишларни бажаришда олим ва мутахассисларнинг иккала мамлакат ҳудудида бўлишлари, илмий асбоб ва ускуналар, илмий-техникавий маълумот ва ҳужжатлар билан алмашиш учун қулай шароитлар яратиб беришга интиладилар.

8-модда

Биргаликда ўтказиладиган тадқиқот ва изланишларни ўзаро мувофиқлаштириш ва, шунингдек, ушбу Битимнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Томонлар (бундан кейин Қўшма Комиссия деб аталадиган) илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Қўшма Латвия-Ўзбекистон Комиссиясини тузадилар, унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш Латвия Республикаси таълим ва фан вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси бошлиқлари зиммасига юклатилади.

9-модда

Ушбу Битим Томонлар имзолаган бошқа халқаро шартнома ва битимлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахлдор эмас.


10-модда

Ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва беш йиллик давр давомида амал қилади ҳамда, агар Томонлардан бири тегишли даврнинг тамом бўлишига узоғи билан 6 ой қолгунгача бошқа Томонга Битимнинг амалини тўхтатиш тўғрисидаги ниятини ёзма равишда билдирмаса, унинг муддати ўз-ўзидан навбатдаги беш йилга узаяди.


Битимнинг мазмуни Томонларнинг ўзаро розилиги билан ўзгартирилиши мумкин. Ҳеч қандай ўзгартишлар ёки ушбу Битим амалининг тўхтатилиши унинг асосида бошланган лойиҳаларга таъсир қилмайди, уларни амалга ошириш келишилган шартларга биноан давом эттирилади.

Рига шаҳрида 1995 йил " 6 " июнда икки нусхада, ҳар бири латиш, ўзбек ва рус тилларида, имзоланди, ҳамма матнлар тенг ҳуқуқий кучга эга. Ушбу Битимнинг мазмунини талқин қилишда келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

Латвия Республикаси
Ҳукумати номидан




Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан



Рига шаҳрида 1995 йил " 6 " июнда икки нусхада, ҳар би-
ри латиш, ўзбек ва рус тилларида, имзоланди, ҳамма матнлар тенг
ҳуқуқий кучга эга. Ушбу Битимнинг мазмунини талқин қилишда ке-
лишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Томонлар рус тилидаги
матнга амал қиладилар.

Латвия Республикаси
Ҳукумати номидан



Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан

